

“Ер фонди ва ундан фойдаланиш” мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели

Вақт 2 соат	Талабалар сони 70
Маъруза режаси	Кўргазмали маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none">1.Республика ер фонди2.Ер фонди тоифалари3.Ер фондидан фойдаланиш
Ўқув машғулот мақсади	Ер фонди тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
Педагогик вазиятлар 1.Ер фонди тавсифини бериш 2. Ер фонди билан таништириш 3. Ер фонди тоифаларини тушунтириб бериш	Ўқув фаолияти натижалари <ol style="list-style-type: none">1.Ер фондини таърифлайдилар. Ер фонди тоифаларини тавсифлаб берадилар2.Ер фондини тушунтириб берадилар3.Ер фонди тоифаларини очиб берадилар
Таълим усуллари	Кўргазмали, маъруза, мунозара
Таълимни шакллантириш шакли	Оммавий, жамоавий
Таълим воситалари	Тарқатма материал, компьютер (проектор) слайдлар, маърузалар матни, кластер, концептуал жадвал
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Тезкор сўров, Анкета сўровнома

“Ер фонди ва ундан фойдаланиш” мавзусидаги кўргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига Кириш 10 дақика	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақика	<p>2.1. Ўтган дарс бўйича саволлар берилади. (1-илова)</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). (диаграммалар, жадваллар) (3 илова).</p> <p>Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.3. Кластер тузиш эслатилади. (4 илова) Ер фонди</p> <p>2.4. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>3. Тезкор сўров ўтказилади. (5 илова)</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Асосий тушунчаларни мухокама қиладилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақика	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (концептуал жадвал тузиш) (5 илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

1 илова

1. Хўжаликларо ер тузиш нимани тушунасиз?
2. Хўжаликларо ер тузиш қандай ерларда амалга оширилади?
3. Хўжаликларо ер тузишнинг иқтисодий моҳияти нимада?
4. Хўжаликларо ер тузиш қандай вазиятларда ўтказилади?
5. Хўжаликларо ер тузишни ўтказиш заруратини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларга нималар киради?

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР ФОНДИ ВА УНДАН
ФОЙДАЛАНИШ**


МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Ўзбекистон республикаси ер фонди
2. Ер фонди тоифалари
3. Ер фондидан фойдаланиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЕР ФОНДИ

- *Ер фонди - бу маълум ҳудудда, унинг чегаралари ичидағи (мамлакатда, вилоятда, туманда ва ш.ў.) ҳўжалик юритиш, мулкчилик, эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара объектлари ҳисобланган барча ерларнинг ийгинидисидир.*
- Ўзбекистон Республикаси чегарасидаги умумий ерлар 44896,9 минг га ни ташкил этади.
- Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер ҳўжаликлари ва фуқоролар фойдаланишидаги жами ерлар 44410,3 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4312,2 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил қиласди.



Ер тоифалари - бу ер фондининг асосий мўлжалланган мақсади бўйича ажратилган, фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг маълум ҳуқуқий тартибига эга қисмидир.

Ҳар бир тоифа ерларидан мўлжалланган мақсадга мос тарзда фойдаланилади. Мўлжалланган мақсад - бу ерлардан аниқ мақсад учун фойдаланишнинг қонуний белгиланган тартиби, шартлари ва чегарасидир.

Ер тоифаларининг ҳуқуқий тартиби ер ва бошқа қонунчилик турлари билан белгиланган фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ҳисоб ва мониторинг қоидалари билан аниқланади ва маълум ер тоифасига киритилган барча ер участкаларига тааллуқлидир.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш маҳсус қонунлар билан қаттиқ тартибга солинган.

Ўзбекистонда ер фонди тоифалари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар

Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар

Тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар

Ўрмон фонди ерлари

Сув фонди ерлари

Захира ерлар

Ер фондининг тоифалар бўйича тақсимланиши

Тр	Ер фондининг тоифалари	Умумий майдони		Шундан сугориладиган ерлар	
		Гектар	%	Гектар	%
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20481,1	46,12	4211,4	9,48
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	214,1	0,48	49,9	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	914,5	2,06	12,0	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,9	0,17	0,9	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	6,2	0,01		
6	Ўрмон фонди ерлари	9636,9	21,7	31,4	0,07
7	Сув фонди ерлари	831,4	1,87	4,6	0,01
8	Захира ерлар	12250,2	27,59	2,0	0,004
	Жами	44410,3	100	4312,2	9,71

1. Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерлар

- қишлоқ хұжалиги ерлари, дараҳтзорлар;
- ички хұжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув хавзалари, бинолар иншоатлар әгаллаган ерлар.

2. Аҳоли пунктларининг ерлари

- шаҳарлар, посёлкалар қишлоқлар чегаралари ва улар худудидаги қишлоқ хұжалик ерлари,
- аҳоли яшайдиган ерлар чегарасидаги барча ерлар.

3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мүлжалланған ерлар

- саноат корхоналари (кон саноати, энергетика) ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоатлар қуриш учун доимий фойдаланишдаги ерлар
- темир йўл, сув транспорти, автомобил, хаво ва трубопровод транспорти;
- алоқа линиялари ва уларги тешгишли иншоатларни жойлаштириш учун алоқа, радио, телевидения ва ахборот
- қуролли кучлар, чегара, ички ишлар, ва темир йўл кўшинлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари корхоналари муассаса ва ташкилотлари жойлашган мудофаа мақсадларидағи ерлар

4. Табиатни муҳофаза
қилиш, соғломлашти-
риш, рекреация
мақсадларига
мүлжалланган ерлар

➤ алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган,
табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар;
➤ юммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланадиган ерлар.
Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини
қўриқхоналар ва миллий боғлар эгаллайди.

5. Тарихий-маданий
аҳамиятга молик
ерлар

➤ тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган қўриқхоналар,
мемориал боғлар, мозорлар,
➤ археология ва тарихий ёдгорликларнинг тегишли
муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга
берилган ерлар

6. Ўрмон фонди
ерларига

➤ ўрмон билан қопланган ерлар;
➤ ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги
эҳтиёжлари учун берилган ерлар

7. Сув фонди ерлари

➤ сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган
ерлар
➤ сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган
минтақадаги ерлар билан қопланган ерлар;

8. Захира ерлар

- Эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ерлар;
- ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган барча ерлар кирадиаган, табиий даволаш омиллариға эга бўлган ерлар;

3. Ер фондидан фойдаланиш

Республика ер фонди таркибига ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дaraohтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дaraohт кўчатлар, мевазорлар), пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсус муҳофаза қилинади

Қишлоқ хўжалиги ер турлари қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар бўлиб, уларнинг таркибига экин ерлари, кўп йиллик дaraohтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар эгаллаган ерлар киради. 2013 йил 1 январ ҳолатига уларнинг майдони **25251,5** минг гектарни ёки умумий ер фондининг **56,9** фоизини шундан суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари **3738,2** минг гектарни ташкил этади. Бу умумий майдоннинг 8,4 % ташкил этади.

Суғориладиган ерлар: 2013 йил 1 январ ҳолатига экин ерлар республика бўйича жами **4062,5 минг** гектарни шундан, суғориладиган экин ерлар **3305,2 минг** гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **13,1 фоизини** ташкил қиласди

Экин ерлари:

Экин ерлар икки турга бўлинади:

Лалми ҳайдалма ерлар: 2013 йил 1 январ ҳолатига лалми экин ерлар республика бўйича жами **757,3 минг** гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **3 фоизини** ташкил этади.

Суғориладиган ерлар энг қимматбаҳо ер турларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигини ва шу билан бирга республика иқтисодиётини ривожлантиришда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Суғориладиган ерлар маҳсус мухофаза

Кўп йиллик дарахтзорлар

2013 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича боғзор, узумзор, тутзор ҳамда бошқа кўп йиллик мевали дараҳтзор ва кўчатзорларнинг жами ер майдони **358,3 минг** гектарни, шу жумладан суғориладигани **343,0 минг** гектарни ёки суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дараҳтзорлар майдони **8,3 фоизни** ташкил қиласди.


Бўз ерлар

➤ Самарасиз фойдаланиш натижасида сугориш қоидаларининг бузилиши ва тупроқ – мелиоратив ҳорлатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипслashiши ва янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар киради. 2013 йил 1 январь ҳолатига бўз ерларнинг умумий ер майдони 80,4 минг гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада 47,0 минг ва лалмикор зонада 33,4 минг гектарни ташкил қиласди.

Пичанзор ва яйловлар

Республика ҳудудининг катта қисмини пичанзор ва яйловлар ташкил қиласди. Бу ерлар чорвачиликни ривожлантириш учун асосий озуқа базаси ҳисобланади. 2013 йил 1 январь ҳолатига республикада **20750,3 минг** гектар табиий пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, шундан сув билан таъминланган яйловларнинг ер майдони эса **18209,8 минг** гектарни ташкил қиласди.

Ер фонди диаграммаси



Кластерни түзиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Фоялари сифатини мухокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қофозга расм чизиб туринг.

Кластер

КЛАСТЕР

(Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини марказлашти-риш ва аниқлаш учун қан-дайдир бирор асосий омил атрофидагояларни йифиши.


Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланисишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қофоз варафининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзаб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Кластер (Ер фонди)



5- илова

1. Республика ер фонди неча гектарни ташкил қиласы?
2. Республика ер фонди нечта тоифага бўлинади?
3. Қишлоқ хўжалиги ерлари неча гектарни ташкил қиласы?
4. Ер тоифалари нима?
5. Аҳоли яшаш жойлари тоифасига қандай ерлар киритилади?
6. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга қандай ерлар киритилган?
7. Республикаизда яйлов ва пичанзорлар майдони неча гектарни ташкил қиласы?